Биография

Раҳматулла Қўнғуров



Раҳматулла Қўнғуров 1933 йилнинг 7 февралида ҳозирги Сирдарё вилоятининг Фориш районига қарашли Нурак қишлоғида туғилди. 1947 йилда қишлоқдаги етти йиллпк мактабни, 1951 йилда Жиззах районидаги Ҳамид Олимжон номли педбилим юртини, 1956 йилда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат университети (ҳозирги СамДУ)нинг филология факультетини имтиёзли диплом билан тугатди; 1956—58 йилларда мазкур университетнинг ўзбек тилшунослиги кафедрасида ассистент бўлиб хизмат қилди; 1958—61 йилларда эса шу кафедра бўйича аспирантурада ўқиди, иихоят, 1962 йилда профессор У.Т.Турсунов раҳбарлигида (Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ижтимоий фанлар бўйича бирлашган Илмий советида) «Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида тасвирий сўзлар» деган мавзуда кандидатлик диссертацияси ёқлади. Кўп ўтмай унга доцентлик унвони ҳам берилди.

Р. Қўнғуровнинг илмий фаолияти кўпроқ тасвирий сўзларни ўрганиш билан боғликдир. Аммо у тил тарихи («Чор девон» асарида келишик категорияси»), бадиий асар тили («А.Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» комедиясиниг лексик ва стилистик хусусиятлари») бўйича ҳам самарали ижод қилган. Олим лексикографияга ҳам қўл уриб, ўзбек тилида (А. Тихонов билан ҳамкорликда) биринчи бўлиб чаппа луғат яратди.

Р. Қўнғуров «Ўзбекистон топонимларини лиигвистик нуқтаи назардан ўрганиш» деган мавзуда тадқиқот ишлари олиб борган.

Асарлари:

1956

А. Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» комедиясининг лексик ва стилистик хусусиятлари. ЎзДУ асарлари, 76, Самарқанд.
И. Ўктамнинг «Кечирилмас гуноҳлар» пьесасининг тили ҳақида баъзи мулоҳазалар. ЎзДУ асарлари, 77, Самарқанд.

1959

А. Навоийнинг «Чор девон» асарида келишик категорияси. ЎзДУ асарлари, 91, Самарқанд.

1960

Ҳамза ва шариат пешволари. «Фан ва турмуш» журнали, 7- сон, Тошкент.
Тақлидий сўзлар ҳақида баъзи мулоҳазалар. СамДУ асарлари, 102, Самарқанд.

1961

Тасвирий сўзларнинг фонетик хусусиятлари. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 4- сон, Тошкент.
Тасвирий сўзларнинг синтактик функциялари. «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журнали, 4-сон, Тошкепт.
Образли ва товушга тақлидий сўзларнинг ўхшашлик ва фарқли хусусиятлари. Сб. «Материалы III Объединенной научной конференции ученых гор. Самарканда».
Ҳайвонлар ва қушлар гапирадими? «Фан ва турмуш» журнали, 4-сон, Тошкент.
Одам гапиришни қандай ўрганди? Юқоридаги журнал, 8-сон, Тошкент.
Ўзбек тилида тақлидий сўзларни ўрганиш масаласига доир. «Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари», 2, тўплам, Тошкент.
Тасвирий сўзларнинг семантик классификацияси. Юқоридаги тўплам, 3, Тошкент.
Тасвирий сўзларнинг формалари. Юқоридаги тўплам, 3, Тошкент.
Тасвирий сўзларнинг ўзбек тили сўз ясаш системасидаги роли. СамДУ асарлари, 115.
Тасвирий сўзларнинг умумий характеристикаси. Юқоридаги тўплам.
Тасвирий сўзларнинг ундовлардан фарқлари. Юқоридаги тўплам.

1963

Тасвирий сўзлардан ясалган феъллар. СамДУ илмий асарлари, 129, Самарқанд. I
Тасвирий сўзларнинг ундовларга муносабати. СамДУ илмий асарлари, 129, Самарқанд.
Тасвирий сўзлар термини ҳақида бир неча сўз. СамДУ илмий асарлари, 129, Самарқанд.
Сўз кўрки—мақол. СамДУ илмий асарлари, 129.

Асарлари:

Некоторые вопросы лингвистической географии в Узбекистане, «Тезисы докладов IV регионального совета по. изуч. тюркск. диалектов в г. Фрунзе».

1964

Тасвирий сўзлардан ясалган сифатлар. СамДУ илмий асарлари, 134, Самарқанд. |
Ўзбек ономастикаси ҳақида бир неча сўз. СамДУ илмий асарлари, 134.
Об устойчивых сравнительных оборотах в русском языке, СамДУ илмий асарлари, 134, Самарқанд.
Достижение Самаркандских языковедов. «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журнали, 4-сон (ҳамкор — У. Т. Турсунов, А. Тихонов).
Е. Д. Поливанов и узбекское языкознание. Сб. «Актуальные вопросы языкознания и наследие Е. Д. Поливанова», Самарқанд.

1965

Ҳозирги ўзбек адабий тилида тасвирий сўзлар. Тошкент.
Омонимия аффиксов в современном узбекском языке. Сб. «Вопросы востоковедения».
В. И. Ленин об изучении культурного наследия прошлого. Сб. «Проблемы грамматического строя в узбекском языке и диалектологии», Ташкент.
Халқ мақоллари ва нутқ маданияти. Ўша тўплам.
Труды Е. Д. Поливанова по тюркологии. «Тюркологический сборник», Алма-Ата.
Топонимика и диалектология. Сб. «Материалы V регионального совета по изучению тюркских диалектов», Баку.
Изобразительные слова как самостоятельные части речи. Сб. «Материалы всесоюзной конференции по теории частей речи», Ленинград.
Обратный словарь узбекского языка (ўзбекча), ҳаммуаллифликда.

Copyright © 2022
All Rights Reserved.